

ОҒИР ВА ЎТА ОҒИР ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жарылкаганов Султанбек Батырбайович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Магистратураси тингловчиси

Аннотация. Ушбу мақола “Оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш” юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган бўлиб, унда жиноятларнинг таснифланиши, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби ҳамда тергов ҳаракатини ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган илмий-техник воситалар ва методлар, ҳодиса содир бўлган жойда жиноят излари билан ишлаш қоидалари, оғир ва ўта оғир жиноят турлари бўйича далилларни қидириб топиш усуллари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: Тергов ҳаракатлари, жиноят процесси иштирокчилари, жиноятларнинг таснифи, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун асослар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ РАССМОТРЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО И ТЯЖЕЛОГО УГОЛОВНОГО ПРОИСШЕСТВИЯ

Аннотация. В данной статье анализируется о «Совершенствование организационно-правовой части места происшествия по тяжким и особо тяжким преступлениям». Иными словами, анализ сведений о квалификации преступлений, порядке осмотра места преступления, научно-технических средствах и методах, которые могут быть использованы при его проведении, правилах работы со следами преступления на месте происшествия, методах обыска для доказательства тяжких и особо тяжких преступлений.

Информация основана на изучении, обобщении специальной литературы, изданной в нашей стране и за рубежом, а также анализе практического опыта правоохранительных органов в данной сфере.

Ключевые слова: Следственные действия, участники уголовного производства, квалификация преступлений, основания для расследования, осмотр места происшествия.

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASSIGNMENTS OF THE SITUATION OF SERIOUS AND SERIOUS CRIMES

Annotation. This article will focus on "Improving the organizational and legal part of the scene for serious and especially serious crimes." In other words, the analysis of information about the classification of crimes, the procedure for examining a crime scene, scientific and technical means and methods that can be used in its implementation, the rules for working with traces of a crime at the scene, search methods for proving serious and especially serious crimes.

The information is based on the study, generalization of special literature published in our country and abroad, as well as an analysis of the practical experience of law enforcement agencies in this area.

Keywords: Investigative actions, participants in the criminal proceedings, classification of crimes, grounds for review, review of the scene.

Сўнги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони¹ ҳамда ушбу Фармон талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмиталарининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги

чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракати тартиби белгилаб берилган². Шунингдек, изланаётган мавзуга оид тушунчаларга тўхталадиган бўлсак:

Жиноят – Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади³.

Шунингдек, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради⁴.

Юқорида мақоламизнинг асосий тушунчалари бўлган жиноят ва унинг таснифлашига қисқача тўхталдик. Энди қуйидаги тушунчаларга ҳам қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида аниқлик киритамиз.

Ҳодиса – табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва терговга қадар текширув, тергов ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган ҳолатлар.

Ҳодиса содир бўлган жой – жиноят ёки ҳодиса содир этилганлиги ёхуд уларнинг излари борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган жой.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3432426> (мурожаат вақти: 16.03.2022 йил)

²Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмиталарининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

³Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси. <https://lex.uz>.

⁴Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453> (мурожаат вақти: 16.03.2022 йил)

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш – жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати⁵.

Кўздан кечириш учун асослар. Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечирилади.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ЖПКнинг 142 – 147 ва 172 – 187-моддалари) амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш Жиноят-процессуал кодексининг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари. Терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш ҳолислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўрилатган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказилади.

Зарур ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказилади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар ҳолисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечирилиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим⁶. Ушбу жиноят-процессуал қонун нормалари билан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракати ўтказилади. Мазкур тартибдан четга чиқиш қатъий ман этилади. Агарда ушбу кўрсатилган тартибда процессуал ҳаракат амалга оширилмаган тақдирда номақбул далил деб эътироф этилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш – ишга тааллуқли жиноят изларини топиш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва олиш мақсадида ўтказиладиган, ўтган ҳодиса характерини ва ишга тегишли бошқа ҳолатларни

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасларининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 16-боб, 135-137-моддалари. <https://lex.uz/docs/111460?ONDATE=15.05.2020>

аниқлашдан иборат, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатидир. Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутади ва муҳим аҳамият касб этади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қуйидаги принципларга риоя қилиш керак: қонунийлик, объективлик, тўлиқ ва режали ўтказиш, кечиктирмасдан ўз вақтида бажариш⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган даврда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланди...”

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим⁸”.

Ушбу ислохотлар самараси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процесси кодексининг 91-моддасига қўшимча киритилиб, ушбу модданинг тўртинчи қисмида ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш *(шунингдек, қуйидагилар ҳам тинтув; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тергов эксперименти; шахсни ушлаш; ҳимоячидан воз кечиш ва шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш)* процессуал ҳаракати видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракати кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати ҳисобланиб, ўз вақтида жиноят ҳодиса содир бўлган жойга кимдир кирса ёки ундан чиқса, воқеа жойига ташқи таъсир натижасида биронта нарса қўшилади ва ундан олиб ташланади. Ушбу тамойил одатда қуйидагича ифодаланади: “Ҳар бир алоқа из қолдиради”.

Ушбу тамойил ортидаги мантиқ терговчиларга гумонланувчиларни қурбонлар, моддий нарсалар ва ҳолат билан боғлаш имконини беради. Шахсни воқеа жойига боғлайдиган ҳар қандай далил манзилли далил деб аталади. Бу бармоқ излари, қон ва тана суюқликлари, қуроллар, сочлар, толалар ва шунга ўхшаш нарсаларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу турдаги далиллар “Буни ким қилди?” Деган саволга жавоб беради.

Манзилли далиллар одамларни жиноят содир этилган жой билан боғлаб турса, реконструктив далиллар терговчиларга воқеа жойида содир бўлган ҳаракатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш имконини беради. Бузилган ойна, қон тўкилиши, ўқ излари ва поябзал излари аслида нима содир бўлганлигини кўрсатиши мумкин. Ушбу турдаги далиллар “Бу қандай содир бўлди?” деган саволга жавоб беради.

Одамлар ва нарсаларнинг воқеа жойи билан боғланишини аниқлашга ёрдам бериш учун терговчи назорат намуналари деб аталадиган маълум моддаларни ҳам тўплаши мумкин. Булар воқеа жойидаги гилам толалари, шиша парчалари, тупроқ, ўсимликлар ва бошқа излар бўлиши мумкин. Агар улар гумон қилинувчининг кийимида, машинасида ёки яшаш жойида топилса, бу шахсни воқеа жойига боғловчи иккиламчи далил бўлиши мумкин.

⁷ У.М.Носиров “Ҳодиса жойини кўздан кечириш” ўқув амалий қўлланма –Т., – 2014.

⁸Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси (2019 йил 7 декабрь) <https://nrm.uz>.

Масалан, уйга бостириб кириш ва ўғирлик содир бўлган турар жой маҳалласига полиция чақирилади. Терговчилар шкафнинг синган эшигидан шиша парчаларини йиғиб, ойнага аниқ нақш туширилган. Маслаҳат терговчиларни ўғирлик тарихи бўлган маҳаллий одамга олиб боради. Гумон қилинувчининг кийимини кўздан кечириш натижасида шкафнинг синдирилган эшиклари билан бир хил аниқ нақшга эга шиша бўлаклари топилган.

Жиноятга алоқадор бўлмаган шахсларни ажратиб олишимиз муҳимдир. Воқеа жойида олинган бармоқ излари ва ДНК намуналари кўпинча воқеа жойига кириш имконига эга бўлган ва гумон қилинмаган шахслардан олинади⁹.

Жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотларга асосан жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ҳодиса содир бўлган жой, нарса ва ҳужжатлар, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш Жиноят-процессуал кодексининг 135-141, 160-161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга (шу жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олган ҳолда) йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида ўз вақтида, қонуний, тўлиқ, режали ва холисона ўтказилиши лозим.

Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, жиноятга алоқадор ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш ва мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори талабларига қатъий риоя этилади. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар Жиноят-процессуал кодексининг 136-137-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, уларнинг шикастланиши ва бутунлиги бузилишига, хусусияти ўзгаришига йўл қўймайдиган пакетлар (имконият даражасида қоғоз пакетлар)га ўралади, қолиплар махсус яшикка (контейнерга) жойлаштирилади ва муҳрланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ўрганганимизда, жами 109 та моддада оғир ва ўта оғир жиноятлар таркиби мавжуд бўлиб, шундан 129 та оғир ва 53 та ўта оғир турдаги жиноятлар таркиби мавжудлиги аниқланди¹⁰. Яъни, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар бўйича ҳар қандай жиҳатда бошқача ёндашиш муҳимлигини билдиради. Ҳар бир оғир ва ўта оғир жиноятларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришни тўғри ташкиллаштириш зарур. Ҳозирги кунда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар йилдан-йилга ошиб бормоқда, статистик маълумотларга қараганимизда 2021 йил давомида республикада жами 24527 та (2020 йилда 12777 та) оғир ва 3507 та (2020 йилда 2459та) ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган бўлиб, олдинги йилга нисбатан оғир турдаги жиноятлар 92,0 фоизга, ўта оғир турдаги жиноятлар бўлса 42,6 фоизга ўсган.Энг ачинарлиси, номаълум шахс томонидан содир этилган 2021 йил давомида 10501та (2020 йилда 4192та) жиноятлар ҳисобга олинган¹¹.

Бу юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан маълумки, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларга бефарқлик билан ёндошиб бўлмайди. Содир этилган жиноятни иссиқ изидан фош этишда биринчи навбатда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини тўғри ташкиллаштириш, объектни тўлиқ ўрганиш, аниқланган ҳар бир ҳолатга масъулият билан ёндашиш ҳамда процессуал

⁹Adams, T; Krutsinger, J. *Crime Scene Investigation*; Prentice Hall: Upper Saddle River, NJ. 2000. (Soddalashtirilgan qo'llanma. Jinoyat joyini tekshirish)

<http://www.forensicsciencesimplified.org/csi/how.html>.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Махсус қисми. <https://lex.uz/docs/111453> (мурожаат вақти: 26.03.2022 й.)

¹¹Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил яқунлари бўйича ҳисоботи.

расмийлаштириш жиноят ишининг кейинги жараёнларида катта ўринга эга. Сабаби жиноят ҳақида хабар келиб тушиши билан биринчи навбатда воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳи юборилади.

Шундай экан, энди амалиётда учраётган бир қатор камчиликларга тўхталамиз. Яъни, амалиётда фаолият кўрсатаётган асосан ёш ходимлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини сифатли даражада ўтказмаганлиги натижасида жиноят содир бўлган жойдаги мавжуд бўлган далиллар тўлиқ текширилиб, содир этилган ҳодиса билан боғлиқлиги ўрганилмаганлиги, улардан намуналар олинмаганлиги ёки далилларни қайд этишда процессуал хато-камчиликларга йўл қўйилиши натижасида кўп оғир ва ўта оғир жиноятлар фош этилмасдан қолмоқда.

Шунингдек, амалиётда кўп учрайдиган камчиликлардан энг каттаси бу воқеа содир бўлган жойнинг ҳолатининг ташқи таъсир натижасида ўзгартирилишидир. Бу ташқи таъсир натижасида ўзгартирилишларга дастлаб, воқеа иштирокчиларининг қасд ёки эҳтиётсизлик оқибатидаги таъсири, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларнинг яъни тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга келгунга қадар биринчи бўлиб етиб келган ходим (*профилактика инспектори, ЖТСБ инспектори ёки бошқа ходимлар*)нинг ўз билганича иш тутиши оқибатидаги таъсири ҳамда айрим раҳбар ходимларнинг тергов-тезкор гуруҳи ишига аралашиб, ҳодиса содир бўлган жойда ўз билганича ҳаракатланиши натижасидаги ташқи таъсирлари воқеа содир бўлган жойнинг асл ҳолатини йўқ қилиши, олиниши лозим бўлган аниқ далилларнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Энг катта камчиликларнинг яна бири ҳодиса содир бўлган жойга кинология хизматининг яъни кинолог ходим иштирокида хизмат итининг жалб қилинмаслигидир. Кинолог ходими ва хизмат итлари ҳодиса содир бўлган жойга жалб қилинган тақдирда ҳам кўп ҳолларда юқорида кўрсатилган ташқи таъсир оқибатида хизмат итларининг ҳид олиши жуда қийин бўлмоқда.

Статистик маълумотларга қараганимизда, кинология хизмати яъни, хизмат итлари иштирокида 2021 йил давомида жами 3977 та (2020 йилда 3314 та) турли кўринишдаги жиноятлар фош этилган. Олдинги йилга нисбатан хизмат итлари иштирокида фош этилган жиноятлар 20 фоизга ошган. Жумладан, ўтган йил давомида 953та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларда 75 кг.дан ортиқ гиёҳванд моддалар аниқланиб олинган, шунингдек, 150 та қотиллик, 31та босқинчилик, 92та талончилик, 2441та ўғирлик ва 310 та ўзга турдаги жиноятлар хизмат итларини жалб қилиш натижасида фош этилган¹².

Демак, ушбу статистик маълумотдан хулоса қилишимиз мумкинки, кинолог ходим ва хизмат итларини вазиятдан келиб чиқиб ҳар бир жиноят содир бўлган жойга, лекин оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойга мажбурий тартибда жалб қилиниши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга (шу жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олган ҳолда) йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида ўз вақтида, қонуний, тўлиқ, режали ва холисона ўтказилиши лозим.

Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, жиноятга алоқадор ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш ва мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори¹³ талабларига қатъий риоя этилади. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар Жиноят-процессуал кодексининг 136-137-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, уларнинг шикастланиши ва бутунлиги бузилишига, хусусияти ўзгаришига йўл қўймайдиган пакетлар (имконият даражасида қоғоз пакетлар)га ўралади, қолиплар махсус яшикка (контейнерга) жойлаштирилади ва муҳрланади.

¹²Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

¹³Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори <https://lex.uz/docs/1455957> (мурожаат вақти: 03.05.2022)

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуалкодексининг 137-моддаси 3-қисми¹⁴да ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ва 352-моддаси 1, 2-қисмларида кўздан кечириш ва бир қатор тергов ҳаракатларини ўтказишда икки нафар холисларнинг иштироки мажбурийлиги кўрсатилган. Лекин, амалиётда ходимлар томонидан тунги вақтлари ҳамда одамлар кам ёки умуман истиқомат қилмайдиган жойларда мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш учун холисларнинг етарли даражада, ўз вақтида топилмаслиги ҳам ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишига тўсиқ бўлмоқда. Хитой Халқ Республикасининг жиноят процессуал қонунчилигини ўрганганимизда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида иш билан боғлиқ бўлмаган бир ёки иккита фуқаро холис сифатида таклиф қилиниши маълум бўлди¹⁵.

Статистик маълумотларга қараганда 2022 йилнинг уч ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қуйи тизимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддаси 4-қисми талаблари асосида жами 18.512 марта тергов ҳаракатлари мажбурий тасвирга олинган шундан 331 марта ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида амалга оширилган¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддаси 4-қисми¹⁷да ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракати видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланган. Яъни, бу ҳолатда бир вақтнинг ўзида видеоёзувга орқали қайд қилинади ва икки нафар холислар иштирок этади. Шу муносабат билан мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда холисларнинг сонини камайтириш ёки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ашёвий далилларни фақат видеотасвир орқали расмийлаштириш чораларини кўриш лозим.

Амалётда айрим вақтларда учрайдиган яна бир тўсқинликлардан бири, яъни, ҳодиса содир бўлган жой ёпиқ биноларда жойлашган ҳолларда, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу вақтда манфаатдор шахслар томонидан мавжуд далилларнинг қасддан йўқ қилиб юбориш хавфи юқори бўлади. Шу муносабат билан кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун масъул ходим томонидан очиб кириш ҳуқуқини берувчи нормани қонунга киритиш лозим. Худди Жиноят-процессуал кодексининг 161-моддаси 8-қисми¹⁸да “Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганда қулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим” деган қоида мавжуд. Шунингдек, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганганимизда турар жойни кўздан кечириш фақат унда яшовчи шахсларнинг розилиги билан ёки суд қарори асосида амалга оширилиши. Турар жойда яшовчи шахслар кўздан кечиришга эътироз билдирган тақдирда, терговчи кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида судга

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 137, 352-моддалари <https://lex.uz/docs/111460>(мурожаат вақти: 03.05.2022)

¹⁵Масъул муҳаррир: Жамоат хавфсизлиги бюроси Жилин провинцияси жамоат хавфсизлиги бошқармаси. Жамоат хавфсизлиги органлари томонидан жиноят ишларини жойида текшириш қоидалари тўғрисидаги ҳужжатининг 28-моддаси http://gat.jl.gov.cn/zwgk/zcfg/xszc/201205/t20120530_1214693.html (мурожаат вақти 03.05.2022)

¹⁶Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2022 йил 3 ойлик ҳисоботи.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддаси <https://lex.uz/docs/111460>(мурожаат вақти: 03.05.2022)

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 161-моддаси <https://lex.uz/docs/111460>(мурожаат вақти: 03.05.2022)

илтимоснома киритиши аниқланди¹⁹. деб кўрстайлган. Ушбу амалдаги миллий қонунчилигимиз ҳамда Россия Федерацияси қонунчилиги нормаларини ўрганиб чиққан ҳолда, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда ёпиқ бино эгаси қасддан тўсқинлик қилган тақдирда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан мажбурий тартибда очиб кириш ҳуқуқини қонунга киритиш лозим.

Жиноят содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммаллашиб бораётганлигини инобатга олиб, шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник жиҳатдан асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ушбу талабни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 08 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-122-сон қарори²⁰ қабул қилинди ҳамда ушбу қарорга мувофиқ жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий усул ва воситаларни қўллаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш лозимлиги кўрсатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тақлиф этилади:

Биринчидан, берилаётган тақлифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 137-моддаси 3-қисми ва 352-моддаси 1, 2-қисмларига ўзгартириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасларининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорини қайта ишлаб чиқиб, Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг ҳам мажбуриятларини белгилаб бериш зарур.

Иккинчидан, Хитой Халқ Республикаси қонунчилиги тажрибасидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуалкодексининг 137-моддаси 3-қисми ва 352-моддаси 1, 2-қисмларига ўзгартириш киритиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда бир ёки икки нафар холиснинг иштироки ҳам етарли эканлиги тўғрисида ўзгартириш киритиш лозим.

Учинчидан, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал қонунчилиги тажрибасидан фойдаланиб, ҳодиса содир бўлган жой ёпиқ биноларда жойлашган ҳолларда, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга рухсат берилиши. Бунда зарурат бўлмаганда кулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслигини жорий қилиш лозим.

Тўртинчидан, кинолог ходим ва хизмат итларини вазиятдан келиб чиқиб ҳар бир жиноят содир бўлган жойга, лекин оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойга мажбурий тартибда жалб қилиниши лозим.

¹⁹Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси. 177-моддаси 5-қисми. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481 (мурожаат вақти: 05.05.2022 йил)

²⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 08 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-122-сон қарори <https://lex.uz/docs/5851527> (мурожаат вақти: 05.05.2022 йил)

Бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларнинг яъни тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга келгунга қадар биринчи бўлиб етиб келган ходимнинг хизмат мабурият ва бурчларини аниқ белгилаб бериш.

Шунингдек, шаҳар-туман ИИБ (ФМБ)ларида тергов-тезкор гуруҳини шаълигини доимий равишда таъминланиб, зарур бўлган эксперт-криминалистик воситалар билан тўлиқ таъминланиши лозим.

Хулоса ўрнида, айтиш мумкинки, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тартибини жорий қилиб, зарур бўлган мутахассисларнинг жалб қилиниши мажбурий тартибда қилиб белгиланиши ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга жалб қилинган барча ходимларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини аниқ белгилаш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси (2019 йил 7 декабрь) <https://nrm.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453> (мурожаат вақти: 16.03.2022 йил).
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси <https://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Махсус қисми. <https://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3432426> (мурожаат вақти: 16.03.2022 йил).
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмиталарининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасларининг ҳамкорлигидаги 2018 йил 1 март кунги “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 08 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-122-сон қарори.
9. Adams, T; Krutinger, J. *Crime Scene Investigation*; Prentice Hall: Upper Saddle River, NJ. 2000. (Soddalashtirilgan qo'llanma. Jinoyat joyini tekshirish)
10. <https://www.forensicsciencesimplified.org/csi/how.html>.
11. У.М.Носиров “Ҳодиса жойини кўздан кечириш” ўқув амалий қўлланма –Т., – 2014.
12. *Масъул муҳаррир*: Жамоат хавфсизлиги бюроси Жилин провинцияси жамоат хавфсизлиги бошқармаси. Жамоат хавфсизлиги органлари томонидан жиноят ишларини жойида текшириш қоидалари тўғрисидаги ҳужжатининг 28-моддаси http://gat.jl.gov.cn/zwgk/zcfg/xszc/201205/t20120530_1214693.html (мурожаат вақти 03.05.2022).
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори <https://lex.uz/docs/1455957>.

14. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси. 177-моддаси 5-қисми.
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481.
15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил яқунлари бўйича ҳисоботи.
16. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2022 йил 3 ойлик ҳисоботи.